ҚОРА САКСОВУЛ (HALOXYLON APHYLLUM) НИНГ ЧЎЛ ЯЙЛОВЛАРИДАГИ ЭКОЛОГИК ҲОЛАТНИ ЯХШИЛАШДАГИ ЎРНИ

ҲАМРОЕВ Ҳ.Ф., ҚУРБОНОВ Ғ.К.
Тошкент давлат аграр университети

Кириш. Ўзбекистоннинг 25 млн гектарга яқин майдонини чўлли ҳудудлар ташкил этиб, асосан яйлов сифатида фойдаланилади. Ушбу ҳудудларнинг тупроқ унумдорлиги жуда паст ва шамол эрозиясига турли даражада учраганлиги билан ажралиб туради. Шу сабабли бу ерларда чорва молларини боқишда кенг кўламда фойдаланилади. Лекин чўл яйловларининг маҳсулдорлиги жуда кам (1 – 3 ц/га қуруқ масса) ва йил давомида фойдаланишга яроқсиз ҳисобланади. Шу билан бирга уларнинг маҳсулдорлиги ёғингарчилик кўп бўлган йилларда яхши бўлса, қурғоқчилик йилларида жуда кам бўлиши кузатилмоқда. [4, 5] Бу эса чорва молларини йил давомида тўйимли озуқа базаси билан таъминлашда турли хил муаммоларни юзага келтирмоқда. Чўлли ҳудудларнинг бундай ҳолатга келишида антропоген омилларнинг таъсири ҳам каттадир. Чўл яйловларида чорва молларининг интенсив тарзда боқилиши, саксавулзорларнинг ўтин сифатида кесилиши, чўлли ҳудудларнинг ўзлаштирилиб қаровсиз ҳолда қолдирилиши шулар жумласидандир. [2]

Ушбу муаммоларни ечишнинг самарали усули бу чўлли ҳудудларда саксовулли иҳотазорларни барпо этишдир. Чунки, иҳотазорлар суғориладиган ва тоғли ҳудудларда барпо этилганда юқори самара берганлиги кўплаб олимлар томонидан қайд этиб ўтилган. Чўлли ҳудудларда иҳотазорлар барпо этиш биринчидан, чўл ўрмонлари майдонини кенгайишига сабаб бўлса, иккинчидан, шамол эрозиясини тўхтатиб, чўл ўсимликларини ўсиши учн қулай шароит (микроиқлим) яратиб беради. Иҳотазорларнинг микроиқлим ҳосил қилиш хусусиятни яхшилаш ва чўл яйловлари маҳсулдорлигини ошириш учун эса

экиладиган дарахт ва бута тўғри танлаб олиш катта аҳамиятга эга.

Чўл шароитини инобатга олган ҳолда ушбу ҳудудларда иҳотазорлар барпо этиш учун қора саксовулдан фойдаланиш катта аҳамиятга эга. Чунки, ушбу тур нафақат ҳимоя вазифасини бажаради, балки чорва моллари учун озуқа базаси ҳамдир.

Тадқиқот обьекти. Кузатув ишлари Бухоро давлат ўрмон тажриба станцияси ҳудудида барпо этилган иҳотазорлар олиб борилди. У Бухоро вилоятининг Жондор туманида жойлашган бўлиб, иқлими кескин континентал ҳисобланади. Йиллик ўртача ҳаво ҳарорати $+14^0$C ни, ёғингарчилик миқдори 103 мм ни ва нисбий намлик 51% ни ташкил этади.

Тадқиқот услуби. Чўл яйловларда маҳсулдорлигини ошириш учун барпо этилган қора саксовулдан фойдаланилган ҳолда иҳотазорлар барпо этилган. Кузатувлар давомида турли тупроқ типларида экилган қора саксовулнинг ҳозирги ҳолати, унинг уруғларини унувчанлиги, униб чиққан ниҳолларнинг морфологик хусусиятлари (баландлиги ва шох-шаббасининг диаметри) ва уларнинг миқдори таҳлил этилди.

Тадқиқот натижалари. Қора саксовул (Haloxylon aphyllum (Minkw) Iljin) – Шўрадошлар (Chenopodiaceae) оиласига кирувчи дарахт ёки бута. Қора саксовул табиий шароитда шўрланган қум, лёссли-шўрланган, шўрхок ва бўз тупроқларда ўсиб ривожланади. [3] Ўзбекистоннинг Устюрт, Амударё ва Қизилқумда эдификатор ўсимлик сифатида учрайди. Н.И.Акджигитова [1] қора саксовул формациясини 27 та ассоциацияга ажратган.

Кузатувлар давомида турли тупроқ типларида ўсиб ривожланаётган қора саксовулнинг ҳозирги ҳолати яхши эканлиги, ҳамда уларнинг ҳимоя вазифасини бажараётганлиги аниқланди. Бу ерда ўсаётган қора саксовулнинг баландлиги 110,54±4,69 - 384.11±8,33 см бўлиб, шох-шаббасининг диаметри 95,08±2,97 – 189,29±5,05 см ни ташкил этди.

Қора саксовул кўчатлари 3 - 5 ёшга кирганидан сўнг гуллаб, генератив фазага кира бошлайди. У касаллик ёки зараркунандалар, совуқлар таъсирида кўплаб зарарланиб - ҳар йили ҳам ҳосил бера олмайди. Апрел ойининг бошидан вегетатив куртаклар, март ойининг сўнгида генератив куртаклар ривожлана бошлади. Апрел ойида гуллаб, гуллаш жараёни икки ҳафта давом этди. Уруғи ноябр ойида пишиб етилди.

Ушбу иҳотазорлар орасида бу турларларнинг табиий кўпайиш жараёни вужудга келган. Тадқиқотлар давомида турли тупроқ типларида ўсиб ривожланаётган бир, икки ва уч йиллик қора саксовул кўчатларнинг морфологик хусусиятлари (баландлиги ва шох-шаббасининг диаметри) ва уларнинг бир гектардаги миқдори ўрганилди. Олинган натижалар қуйидаги жадвалда келтирилган.

Бухоро давлат ўрмон тажриба станцияси фитоценозлар таркибидаги қора қора саксовулнинг ўсиш ва ривожланиш динамикаси

Эдафик шароитлар	Кўрсаткичлар	Ўсимлик ёши, йил		
		1	2	3
Паст тепаликли	Баландлиги, см	26.2±0.7	48.7±1.6	110.7±4.3
	Шох-шабба диаметри	20.7±0.6	50.8±1.9	104.8±3.9
	Миқдори, дона/га	540	140	100
Ўт қоплами кучсиз ривожланган қумли	Баландлиги, см	27.9±1.0	59.7±1.8	113.5±8.3
	Шох-шабба диаметри	20.2±0.6	60.8±1.5	118.1±5.3
	Миқдори, дона/га	2600	1300	1200
Сур-қўнғир тупроқли	Баландлиги, см	26.2±0.5	60.3±2.1	107.6±7.7
	Шох-шабба диаметри	22.4±0.7	58.6±2.2	103.6±7.7
	Миқдори, дона/га	2580	1060	950

Бу ерда табиий ўсиб ривожланаётган қора саксовул кўчатларининг баландлиги

бир йиллик кўчатларида 26,2±0,5 см дан 27,9±1,0 см га, икки йилликларида 48,7±1,6 см дан 60,3±2,1 см га ва уч йиллик кўчатларда 107,6±7,7 см дан 113,5±8,3 см га етган. Шох-шаббасининг диаметри эса бир йиллик кўчатларда 20,2±2,6 см дан 22,4±0,7 см гача, икки йилликларида 50,8±1,9 см дан 60,8±1,5 см гача ва уч йиллик кўчатларида 104,8±3,9 см дан 118,1±5,3 см гача ўзгариб турди. Кузатувлар давомида ўт қоплами кучсиз ривожланган қумли тупроқларда ўсаётган қора саксовулнинг кўчатлари табиий ҳолда яхши ўсиб ривожланаётганлиги ва унинг сақланиб қолиш даражаси бошқа тупроқ типларидаги кўрсаткичларга нисбатан 1,2 – 12 марта кўп бўлди.

Юқоридаги жадвалдан, қора саксовулнинг уруғларидан униб чиққан, ниҳоллар ўзаро рақобат натижасида йиллар ўтиши давомида камайиб борганини кузатишимиз мумкин. Ниҳолларнинг сақланиб қолиши паст тепаликли тупроқ типида 18,5% бўлса, ўт қоплами кучсиз ривожланган қумли тупроқ типида 46–50% кўрсаткичга эга бўлди. Бундан ўт қоплами кучсиз ривожланган қумли тупроқларда қора саксовулнинг яхши ўсиб ривожланишини кузатишимиз мумкин.

Хулоса. Юқоридаги маълумотлардан чўл яйловлари экологик ҳолатини яхшилашда қора саксовулдан кенг кўламда фойдаланиш мумкин. Чунки қора саксовул турли хил тупроқ типларидан ҳам ўса олади. Бу ҳудудларга экилган қора саксовул ушбу ҳудудни ноқулай иқлим шароитидан ҳимоя қилиш билан бирга куз – қиш мавсумларида чорва моллари учун озуқа манбаи бўлиб хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Акджигитова И.И. Галофильная растительность – Halophyta.// Растительный покров Узбекистана. – Ташкент: Фан, 1973. – Т.3. – С. 211-302.
2. Акджигитова Н.И., Капустина Л.А., Муталов К.А. Трансформация пастбищной

растительности под влиянием антропогенного пресса.// Проблема освоения пустынь, 1994. -№3.–стр. 66-70.

3. Ҳамроқулов Р.Х., Белолипов К.В., Фармонов Э.Т. Ўзбекистон табиий яйловлари ва уларнинг ҳолати // Яйловлардан оқилона фойдаланишнинг илмий асослари: Республика илмий-амалий конференция материаллари. - Тошкент: ТошДАУ, 2009 – 112-115 бет.
4. Маҳмудов М.М., Ҳайдаров Қ., Маҳмудова Г. Қизилқум яйловларини яхшилаш усуллари ва фитомелиорация афзалликлари. //“Яйловлардан оқилона фойдаланишнинг илмий асослари” мавзусидаги республика илмий амалий конференция материаллари тўплами. Тошкент 2009. 3 - 6 б.
5. Нечаева.Н.Т., Пельт.Н.Н. Кормовая база овцеводства в пустынной зоне Средней Азии и Казахстана.// Природные условия животноводство и кормовая база пустынь. Ашхабад: Изд-во АН ТуркССР, 1983. стр. 306-319.
6. Шамсутдинов.З.Ш. Инструктивные указания по созданию кустарниково-полукустарниковых пастбищезащитных насаждений в пустынных и полупустынных районах Узбекистана. Ташкент, 1982.–51 с.